



кўриниш борасида ўт аҳамиятли ҳисобланади. *tunç* сўзи турк тилида қизғиш, қаттиқ метал жисмлардан бири ҳисобланади.

Туркча тилак, олқиш ва аллаларда ранг рамзларда асосан *ak, beyaz, kırmızı, kara, yeşil, mavi* (оқ, қизил, қора, яшил, кўк (мовий)) ранглар фаол қўлланилган. Ўзбек лирик қўшиқларида ҳам ранглар билан боғлиқ рамзий образлар, бадий тасвирлар жуда кўп учрайди. Бунинг асосий сабабларидан бири рангларнинг инсон руҳий оламига яқинлиги ва руҳиятга таъсир кўрсата олишидир. Лирик қўшиқларда келувчи ранг рамзлари бирикма ҳолда бўлади.

Туркча тилак ва олқишларни лексик-семантик ва лингвопоэтик жиҳатдан ўрганишда кўзга ташланадиган асосий хусусиятлардан бири уларнинг таржима қилишда юзага келган туркча сўзларнинг айримларининг юзага келтирган маъно ва мазмунини тушунишда халқлар ўртасида маданиятларнинг илдизи бир эканлигини кўрсатувчи айрим далилларни кузатиш мумкин. Ҳар бир халқнинг яшаш шароити, тарихи, фольклори, адабиёти ва санъатида ўзига хос бўлган кўриниш тизими мавжуд.



ТУРК ТИЛИДА ҲАЙВОН ОТЛАРИ ВОСИТАСИДА КИШИ КЎРИНИШИ ВА ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАР

САЛИМОВА ЗЕБО

Ўқитувчи, ТДШУ

Аннотация. Ушбу илмий мақола инсон қиёфаси ва характер хусусиятларини беришда ҳайвон ёки ўсимликлар номларидан фойдаланиш масалаларига бағишланади. Зооним ёки фитонимлар орқали инсон қиёфасини ифодалашда тил имкониятларининг кенглиги кўриб чиқилади. Турк тилида зоонимлар ва уларнинг ўзбек тилидаги муқобили берилган. Ҳайвон образлари орқали инсон қиёфасини акс эттириши, уларнинг характерларини очиб беришда тилнинг сўз бойлигига эътибор қаратилади.

Таянч сўз ва иборалар: тил, инсон қиёфаси, характер, зооним, фитоним, образ, портрет, ижобий, салбий, ташқи кўриниш, ўхшатиш, образ, муқобил, эквивалент, тил доираси, маъно кўчиши.

Аннотация. Данная научная статья посвящена использованию названий животных или растений при описании портрета и характера человека. Исследуется лексическое богатство языка при описании человеческой внешности через зооним или фитоним.

Опорные слова и выражения: личность, характер, зооним, фитоним, образ, портрет, позитив, негатив, внешность.

Abstract. This scientific article deals with the use of animal or plant names in giving human appearance and character traits. The ability of language to express human appearance through zoonim or phytonim is examined.

Keywords and expressions: personality, character, zoonim, phytonym, image, portrait, positive, negative, appearance.

Қадимдан тили, дини ва қалби бир бўлган, тарихий имтиҳонларда биргаликда курашган ўзбек ва турк халқлари кучли тарихий алоқалар, умумий маънавий қадриятлар ва урф-одатларга эга.

Узоқ йиллар мобайнида давом этиб келаётган адабий алоқаларнинг ўрни турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда жуда муҳимдир.

Маълумки, бутун дунёда кенг сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳамиятга эга бўлган Туркия Республикасининг Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида ўрни бор. Туркия Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олган биринчи давлатлардан биридир.

Сўнгги йилларда халқларимиз ўртасидаги қардошлик, дўстлик ва икки томонлама муносабатлар тарихида мутлақо янги саҳифа очилди ва унинг янги фикрлар билан ўсиши муносабатларимизни янада мустаҳкамламоқда.

Юрақларимиз бир, ниятларимиз умумийдир. Икки қардош давлат халқаро ва икки томонлама муносабатларда бир-бирини қўллаб-қувватлайди.

Айтиш мумкинки, суҳбатда суҳбатдошларнинг ташқи кўриниши биринчи таассуротда, иш суҳбатларида ва одамларни баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Одам ўзини ўзининг қиёфаси билан қандай таништириши жуда муҳимдир. Дўстона ва самимий ифода, ишонч билан муносабатда бўлиш, кўз билан алоқа қилиш ва тана тилидан самарали фойдаланиш инсоннинг ўзига хос хусусиятларини намойиш этишнинг муҳим талабларидан биридир.

Оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ яратилганидек, Инсоният ҳам табиат билан чамбарчас яшайди. Кишининг хатти-ҳаракатлари, характери ва ташқи кўринишини ҳайвон ёки ўсимлик номлари билан аташ ёки ўхшатиш бунинг яққол исботидир. Тарихдан ҳозирги кунга қадар ёмон хулқли одамлар ёввойи йиртқич ҳайвонларга, яхши фазилатли инсонлар уй ҳайвонларига, сезгир, ҳаракатчанлар баъзи қушларга ўхшатилиши анъанага айланиб қолган.

Ҳайвонот дунёси ҳақиқатининг номлари бўлган зоонимлар кўпгина тилларнинг лексик таркибидаги энг қадимги семантик гуруҳлардан бирини ташкил қилади. Маъжозий маъноларнинг ривожланиши туфайли зоолексемалар инсоннинг фазилатлари ва ҳаракатларини тавсифлаш учун фаол ишлатилади.

Муайян маданиятга тегишли бўлиш маълум бир жамиятда шахсни социализация жараёнида такрорланадиган билимларнинг асосий стереотипик ядросининг мавжудлиги билан белгиланади, шунинг учун стереотиплар маданиятдаги номувофик номлар ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, стереотип турли хил лисоний шаклларда ифодаланиши мумкин—булар сўзнинг лексик-семантик вариантлари, бошқа сўзлар билан ўзаро боғлиқлиги, рамз сифатида хизмат қилиши ва бошқалар.

Ҳар икки тилнинг изоҳли луғати воситасида зоонимлар ифодалаган қиёфалар орқали ўзбек ва турк тиллари орасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар ҳам кўриб чиқилади.

Зоонимлар тилларнинг лексик фонди шаклланган этник-маданий шароитларнинг бево-сита аксидир.

Инсон қиёфасини ифодалашда унинг характер-хусусияти муҳим аҳамият касб этади. Характер-хусусият сифатлари инсоннинг турли хил белги хусусиятларини, яъни унинг ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий белгиларини, шахсий характерларини, нарса ва мавжудотнинг характер-хусусиятларини ифодалашда кўп қўлланадиган сўзлардир. Бундай сифатлар турк тилида 3 хил тавсиф қилиш мумкин, ижобий ва салбий ёки нейтрал ҳолатда бўлиши мумкин:

1) Турк тилида инсоннинг характер-хусусиятига хос ижобий сифатлар: *agah* (билимли, ҳар нарсадан хабардор, хушёр), *açık elli* (сахий), *açık fikirli* (тили-ю дили бир инсон), *açık kalpli* (тоза қалбли), *açık sözlü* (оқни оқ, қорани қора дегувчи, ростгўй), *açık alın* (тўғрилиқдан

воз кечмайдиган киши), ақик ел (сахий инсон), ақик ер (тўғри сўз), аhi (сахий, қўли очик), аhlaklı (хушхулқ киши), babacan (ишончни оқлайдиган, тоза қалбли, шунингдек, келишган соф киши), adam gibi (тарбияли, ақлли, кулоқ соладиган), adam sarrafı (инсонларнинг ичидагини кўзидан биладиган, сезгир одам), insan sarrafı (сезгир), affan (иродали, ёмон ишлардан қочгувчи инсон), afif (иффатли эркак), afife (иффатли аёл), namuslu (ориятли), temiz (соф), dürüst (тўғри сўз), afşar (тез чора кўрадиган, хушёр, мослашувчан кишилар), çevik (хушёр), atılган (уддабурон), uyumlu (бўйсинувчи) ва бошқалар.

Ижобий маънодаги стереотиплар сифатида “kurt gibi” зоонимини мисол қилишимиз мумкин. Ўз ишини яхши билган, киришувчан кишиларга нисбатан ишлатилувчи бу зооморфема ўзбек тилида салбий маънода “очкўз” кишини тасвирлаш учун қўлланилади.

2) Кишиларга хос салбий характер- хусусиятни билдирувчи сифатлар турк тилида куйидагича тавсифланади:

afal (тарқоқ фикрли, бесаранжом), ақик göz (манфаатпараст), ahmak (ахмоқ), cingöz (айёр), yalancı (ёлғончи), kaba (кўпол), hasetçi (хасадгўй), inatçı (қайсар), kurnaz (айёр), dedikoducu (ғийбатчи), sinsi (ғаразгўй), hain (хоин), burnu havada (бурни осмонда), bencil (худбин, эгоист), kıskanç (қизғанчик), kinder (гиначи), kavgacı (жанжал чиқарувчи), sahtekar (иккиюзламачи), ikiyüzlü (иккиюзламачи), cimri (пасткаш), düzenbaz (хийлакор), dolandırıcı (алдоқчи), hırsız (ўғри), katil (қотил), uyanık (айёр), vurdum duymaz (тепса тебранмас кимса), adam sendeci (кибр-ҳавога берилган), acımasız (марҳаматсиз, тошбағир), ақик ağızlı (ахмоқ), zalim (золим), alçak (нокас), kibirli (такаббур), inatçı (ўжар), bencil (худбин) ва бошқалар. Кишиларга хос салбий ва ижобий хусусиятларини уларнинг гап-сўзини, ўй-ниятини, ёки тана аъзоларини сифатлаш орқали ҳам билдирилади.

Салбий стереотипларни ифодалаш учун manda gibi (тўнқадай, ишёқмас), tilki gibi (айёр, лаганбардор) каби зоонимлардан фойдаланилади.

3) Характер-хусусият сифатларининг яна шундайлари борки, уларда ижобийлик ва салбийлик яққол кўриниб турмайди. Матндан уларнинг маъносини англаб олиш мумкин. Масалан, salak, laқаuit, inatçı, уaramaz (довдир, лоқайд, шўх, ўжар, шаддол) ва бошқалар. Лоқайд одам бирикмасида лоқайд сифати салбий муносабат ифодаси учун қўлланган бўлса, “Уни ноўрин кишиларга ҳам лоқайд туриб берди” мисолида эса ижобий семасини намоён қилган.

Serinkan- совуққон, яъни дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган киши маъносида келса, “Бу ғийбатчиларга нисбатан совуққон эди” гапида ижобий маънода қўлланган.

Кўз ранглари ҳақиқатан ҳам одамларнинг характерлари ҳақида маълумот беради. Хўш, қандай қилиб одамнинг кўз рангига қараб, унинг характери ҳақида маълумот олишимиз мумкин?

Тўқ жигарранг ва қора кўзлар:

Ўзига хос етакчилик хусусиятларига эга ва жуда кескин қарорларни қабул қиладиган белгилар кўпинча бу кўз рангига эга инсонларда бўлади. Бундай кўзлари бўлган одамлар, уларда қора ранг жуда доминант бўлиб, улар бошқа одамлар томонидан кўпроқ муҳаббатга лойиқ бўлади. Бу уларга етакчига айланишига имкон беради, яъни ҳамма билан муросага келганлар тўқ жигар ранг кўзга эга. Шу билан бирга, ушбу кўз ранги бўлган одамлар одатда спортда муваффақият қозонишади, чунки улар жуда муваффақиятли. Ҳеч қандай мусобақада интизомга йўл қўймайдиган бу одамларнинг чуқур нафосати уларни ўзига хос қилади. Кўзларнинг бу тури ўзбеклар ва турклар орасида жуда кўп учрайди.

Агар қора кўзли ва қора сочли қизлар ўзбеклар учун гўзал деб ҳисобланса, турклар учун сарик сочлар ва очик рангли кўзлар чиройлидир. Қора кўзлар - бу худди ўзбек тилидаги каби қора кўзларни ифодалаш учун ишлатилади.

Ёки кўк кўзлар ... Фаришта ёки шайтон ... Сиз танлаган танловингиз ким бўлишингизни ҳал қилади. Кўк кўз рангидаги одамлар катта рухий кучга эга ва уларнинг белгилари уни қайси йўналишда ишлатишига қараб шаклланади. Кўк кўзли одамлар ҳеч қачон содда бўлмайди. Эқоист бўлишни асосан кўк кўз ранги бўлган одамларда кўриш мумкин.. Кўк кўзли одамлар, бошқаларни ҳайратда қолдирадиган кучга эга бўлиб, улар ёмонликни танлашганда жуда хавфли бўлиши мумкин.

Камдан кам учрайдиган кулранг кўзлар аслида кўк ранг турига тегишли. Икки хил белгини олиб юрадиган кулранг кўзли одамлар ҳақида гапиришнинг энг муҳими шундаки, улар ҳар кимдан яширадиган нарсага эга. Бу уларга кўк кўзли одамлар каби яхши ёки ёмон белгиларни осонгина олишга имкон беради. Агар бу кўз ранги бўлган одамларнинг ранги бир оз енгил бўлса, қаҳрамон пайдо бўлади. Туркларда энг кенг тарқалган кўз рангларидан бири бўлган “ela” кўзлари жуда ўзига хос белги ойнасидир. Ранги ва ёруғлигига кўра яшил рангдан жигарранггача ажойиб рангни билдирувчи бу кўз эгалари уларнинг мувозанатли бўлишига қарамай, сирли томонлари билан диққатни жалб қилади. Австралия университети доктори Гюнет Метю Леич, бир тадқиқотда, бодом кўзли одамлар овқат ҳазм қилиш тизимида кўпроқ муаммоларга дуч келишини аниқладилар.

Оч жигарранг кўзлар Туркияда жуда кўп учрайди, дилкаш ва самимий инсонлар бундай кўз рангига эгадирлар. Прагадаги Чарлз университетига олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу кўз ранги бўлган одамлар мулойим, ҳурматли ва ҳурматга сазовор. Бошқа бир маълумотга кўра, бу кўз ранги бўлган одамлар бошқа одамларга қараганда камроқ ухлашади. Шу сабабли, уйку кўпинча бу одамлар учун муаммо бўлиши мумкин. Кўзлари очиқ жигарранг одамлар кўпинча ўз вақтида ётиш ва ўз вақтида туриш учун қийналишади.

Мазкур сўзларнинг ясалишида лексик-семантик усул:

Бунда белги билдирувчи сўзлардан олдин ёки улар ўрнида бошқа туркумдаги сўзлар қўлланади: захар (гармдори) олов (бола).

Инсон ташқи кўриниши ёхуд характер-хусусиятлари қўшма сўзлар билан ҳам ифодаланиб келади: Сифат+от тарзида: япалоқюз, хомкалла, шўрпешона, калтафаҳм, очофат, майдагап, олийжаноб.

От+сифат: бошқоронғу, ёқавайрон, жиғибийрон, тепакал, хонавайрон ва бошқа.

От+от: бодомқовок, шерюрак, дарвешсифат, девқомат, дилозор, дилором.

Равиш + от: ҳозиржавоб, камгап, камсухан.

Феъл+феъл: ебтўймас.

Равиш+ феъл: чўрткесар.

Олмош+от: ўзбошимча.

От+феъл: тилёғлама, гадойтопмас, тинчликсевар.

Олмош+сифат: Ўзбилармон.

Сон+от: иккиюзламачи, қирқямоқ.

Сифатларнинг отлашуви эса унинг гапда от бажарадиган синтактик вазифада келишидир. Сифатланмиш тушириб қолдирилса, сифат ўша отнинг шаклий белгиларини қабул қилади, ҳамда уларнинг синтактик вазифасини бажаради.

а) Эга бўлиб келади: Яхши ошини ер, ёмон - бошини.

б) Қаратқич аниқловчи бўлиб келади. Сахийнинг эҳсонига бахлнинг боши оғрир.

с) Тўлдирувчи бўлиб келади. Яхшидан адашма, ёмонга ёндашма.

Инсон характерини ифодаловчи сўзлар ҳам ҳар бир тил миллатининг дунёқараши, менталитетидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Масалан, ўзбек тилида сахий маъносини

берувчи “қўли очик” иборасини турк тилида cömert ёки “açık gönüllü” ёки камтар маъносидаги “alçak gönüllü” ибораси билан ифодалаш мумкин. Шу ўринда alçak сўзини ўзи ишлатилганда эса пасткаш маъносини бериши эътиборга лойиқ. Хушчақчақ одамни таърифлар эканмиз, турк тилида “güler yüzlü” ифодасини қўллашимиз мумкин. “Тирноқ остидан кир қидирадиган” одам маъносида “üzümün çöprü, armudun sarı” diyen insan ибораси келади.

Турк тилида ҳам инсон қиёфаси ва характерини билдирувчи сўзларни ижобий ва салбий маънода келувчи турларига ажратадиган бўлсак:

Ижобий хусусиятларни ифодаловчи сўзлар: İyi, mert, cömert, dürüst, saf, temiz, sessiz, aydın, üstün zekalı, çalışkan, ciddi, samimi, güzel, ahlaklı, mihriban, şefkatlı, temiz, titiz, zeki, terbiyeli, dikkatli, sorumlu, sabırlı ва бошқалар.

Салбий хусусиятларни билдирган сўзлар: Kötü, korkak, cimri, yalancı, kurnaz, geveze, ahmak, aptal, tembel, inatçı, geri zekalı, deli, dedikoducu ва бошқалар.

Қўшма сўз билан ифодаланадиган характер сифатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидаги тартибда ясалади:

От+сифат: adamakıllı, bilim adamı;

От+феъл: konuksever, yardımsever, misafirsever, yurtsever ва бошқалар.

Турк тилида инсон қиёфасини зоонимлар воситасида ифодалаш эса турк халқининг дунё-қарашига, менталитетига мос равишда белгиланган. Ҳар икки тилда ҳам инсон характерини ифодаловчи зоонимлар жуда ҳам кўп. Қуйида биз баъзи мисолларни келтириб ўтамиз.

Ўзбек тилида чиройли қора кўзларни тасвирлаш учун оху, қуралай кўзларига ўхшатишдан фойдаланилса, турк тилида катта ва чиройли кўзларни ифодалашда “eşek gözlü” бирикмаси қўлланилади.

Ўзбек тилида жайрон кўз, оху кўз, туя боласининг тим қора кўзларига ўхшаса қуралай кўз бирикмалари орқали берилади.

“Eşek gibi” ифодаси турк тилида ақлсиз, қўпол, ўйламай иш қиладиган каби маъноларда келади. Туйғусиз, ҳиссиз одамга нисбатан эса “eşek derisi gibi” бирикмаси қўлланилади. Ўзбек тилида эса бу бирикмалар жуда меҳнат қилиб юзага чиқмаган одам ёки ўта қайсар маъноларида келади. Шу билан бирга, кўзлари катта-катта инсонга нисбатан “eşek gözlü” ифодаси ишлатилади.

Қарашлари ўткир ёки узоқни яхши кўра оладиган, сезгир инсонларга нисбатан ўзбек тилида “бургут кўз”, “лочин кўз” ўхшатмалари билан ифодаланса, турк тилида ҳам “şahin bakışlı” (лочин кўз) бирикмаси ишлатилади.

Қирра бурунли кишиларни тилда ифодалаш учун “karga burun” бирикмасидан фойдаланилади. Аслида қарғанинг бурни бироз эгри бўлгани учун ҳам шунга қиёсланган.

Жуда озгин ва қорачадан келган кишилар учун ҳам “karga gibi” ифодаси берилади. Шунингдек, хипча бел ва нозик қоматли аёлларга нисбатан “ceylan gibi” дейилади, яъни охуга ўхшатилади.

Ceylan gibi ифодаси орқали қадди-қомати чиройли аёллар ифодаланadi.

Аристотел ўзининг “Поэтика” асарида ушбу фикрларни беради: “Инсон майлининг нимададир намоён бўлиши, кимнинг ниманидир афзал деб ҳисоблагани ёки ниманидир ёқтирмагани характердир. Шахс агар ўзининг гаплари ва ишларида қандайдир мақсадга амал қилса, характерга эга бўлади. Агар шахс яхши мақсадларни кўзласа, характери ҳам яхши бўлади. Бу ҳар бир одамда мавжуд бўлиши мумкин”.¹

¹ Aristotel. Poetika. Toshkent. 1975. 82-b.

Салбий характерлардан бири бўлган қайсар таърифни беришда ҳар иккала тилда ҳам бироз ўхшашлик мавжуд. Ўзбек тилида “қайсар эшшак” таърифи қўлланса, турк тилида ундан ҳам қайсарроқ бўлган хачир ҳайвонига ўхшатиш билан акс эттиради. Яъни “Katır gibi” бирикмаси ёрдамида ифодаланади.

Айёр, лаганбардор кишиларга нисбатан ҳар иккала тилда ҳам бир хил ўхшатиш “тулки”, “tilki gibi” тарзида берилади.

Иш кўзини биладиган, киришувчан маъносида “kurt gibi” бирикмаси қўлланилади. Ўзбек тилида эса курт яъни бўри орқали бундай характер ифодаланмайди, ўзбек тилида “бўридай”, “оч бўридай” ўхшатмаси жуда очикқан кишини таърифлаш учун ишлатилади. Бу ўринда ҳар икки тил ўртасида баъзи фарқли жиҳатлар кўринади.

Ўзбек тилида калтафаҳм, бефаросат одамни “товуқ мия” га ўхшатилса, “tavuk gibi” бирикмаси турк тилида барвақт ухлаб қолувчи кишиларга нисбатан ишлатилади. “Horoz gibi” эса каландимоғ, ўз ҳаққини билган, ҳар ишда бош бўлган киши маъносида қўлланилади. Ўзбек тилида, айниқса халқ тилида кеккайган, қўлидан бир иш келмаса-да ўзини осмонда деб биладиган ёш йигитлар учун “жўжахўроз” ўхшатмаси қўлланилади.

Лаганбардор, сертакаллуф, катталарга тилёқламалик қилиб ялтоқладиган одамга нисбатан “кўрек gibi” бирикмаси ишлатилади.

Акрер сўзи турк тилида чаён маъносини беради, лекин инсонларга нисбатан “çiyarı gibi” ифодаси ишлатилади ва “тили заҳар” кишини таърифлаш учун қўлланилади.

Турк тилида шундай иборалар борки, улар инсонга хос характерларни бадий тарзда ва таъсирчан ифодалаш имконини беради. Масалан “mürekkep yalamış” (сиёҳ ялаган) ибораси илм-фанга берилган, умрини илм олишга сарфлайдиган кишиларни билдирса, “yüzünü körek yalamış” ибораси эса уятсиз, орсиз киши маъносини ифодалаб келади.

Турк тилида бир инсоннинг оғир вазмин, камгаплиги кўпинча фикрни қисқа, лўнда ифодалаш воситларидан бири бўлган иборалар орқали берилади: ağzına bakla almak (оғзига ловия олмоқ, яъни оғзига талқон солиб олмоқ); ağzını bıçak açmamak (“оғзини пичоқ билан ҳам очиб бўлмайди), ağzına çakıl maşı almak (“оғзига шағал солиб олмоқ”) ва б. Айни шу ибораларга антонимларни ташкил этувчи иборалар ҳам талайгина. Масалан: *ağzında bakla islanmamak* (оғзида гап турмаслик), *çenesi düşük* (чакаги очик) каби. *Onlar, Sörlerden ziyade benden çekinirlerdi. Niçin mi diyeceksiniz? Çünkü gevezeydim, sakallı dayının dedig'i gibi, ağzımda bakla islanmazdı.* (R.N.G., 29). Таржимаси: *Улар мураббиялардан ҳам кўпроқ мендан қўрқишарди. Нега дейсизми? Чунки сергап эдим, соқолли амаки айтгандай, ичимда гап турмас эди.* (М.И.29-б). Таржимон туркча гапдаги “Ağzında bakla islanmamak” иборасини “ичида гап турмаслик” маъносидаги муқобилини танлаб тўғри иш тутган ва иккала ибора бир-бирига тўла мос келган.

Рашод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши” романидан келтирилган мисолларда ҳам киши характерини иборалар орқали ифодалаш муаллиф ва таржимон Мирзакалон Исмоилий томонидан моҳирона амалга оширилган ва бу асарнинг бадий қийматини янада оширган:

Шунингдек, *Besime Teyzemin kızı Necmiye, annesinin dizi dibinden ayrılmayan sessiz ve biraz da hastalıklı bir çocuktu* (R.N.G., 25) гапи ўзбекчага *Басима холамнинг қизи Нажмия онасининг этагидан ажралмайдиган камгап, ҳастаҳол қизалоқ эди* (М.И., 25) дея ўтирилган. Гапдаги *annesinin dizi dibinden ayrılmayan çocuk* (онасининг тиззаси тагидан ажралмайдиган бола, яъни уйдан ҳатлаб кўчага ёлғиз ўзи чиқмайдиган, онасига боғланиб қолган бола) ибораси ичига кириб қолган сўзлар ибора таркибини кенгайтирган, яъни гап таркибидаги «*sessiz ve biraz da hastalıklı bir...*» эркин бирикмаси иборанинг компоненти ҳисобланмайди. Бу жумладаги *annesinin dizi*

dibinden ayrılmayan çocuk ибораси онасининг кетидан қолмаслик, яъни уйдан ҳатлаб кўчага ёлғиз ўзи чиқмайдиган, онасига боғланиб қолган бола маъносида келган.

Яна бир ўринда:

Ёки, *Hüseyin, delişmen bir adamdı. Beni çabuçak sevmişti. Ben de umulmaz ve affedilmez bir vefasızlıkla onun sevgisine mukabele edivermiştim.* (R.N.G., 9) жумласида ифода этилган фикр, аниқроғи, *sevgisine mukabele etmek* бирикмаси ўзбекча таржимада ибора воситасида (оёқ ости қилмоқ) ёритилган ва бу таржиманинг бадий савиясини янада оширган: *Хусайн девонароқ одам эди. Мени жонидан ортиқ яхши кўрарди. Мен эсам унинг севгисини оёқ ости қилиб, тузатиб бўлмайдиган вафосизлик билан хорлардим* (М.И., 8).

Мазкур мисолда “делисмен”-девонароқ, “вефасиз”-вафосиз каби характер хусусиятлари таржимада ўз эквиваленти билан берилганининг гувоҳи бўламиз.

Инсон портретини ифодалашда ҳам бир қанча туркча зоонимларни кўриш мумкин. Кучли, навқирон, елкадор, вазндор эркаклар учун “*tau gibi*” бирикмаси қўлланилса, бу кўринишдаги аёлларни таърифлаш учун “*at gibi*” ўхшатишидан фойдаланилади.

Кўпол, жуда ҳам семиз, меҳнатга тоби йўқ танбал кишиларни тасвирлаш учун ўзбек тилида “тўнкадай”, “чўчкадай”, “буқадай” сўзлари қўлланилса, турк тилида “*manda gibi*” бирикмаси ишлатилади. Манда ёввойи буқа маъносини беради.

Жуда сабрли, сўзсиз ҳар юклатилган вазифани бажарадиган инсонга нисбатан “*karınca sabırlı*” берилади. Ўзбек тилида ҳам бу ўхшатма меҳнаткаш одамга кўра ишлатилади. Маълум бир маънода ҳар иккала тилда ҳам бир-бирига яқин маъноларда қўлланилади.

Ҳар бир ёзувчининг бадий маҳоратини белгилашда унинг қаҳрамон портретини яратишдаги ўзига хослиги алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ёзувчи яратган портрет адабий қаҳрамон тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун дастлабки таянч асос саналади. Асарда қаламга олинаётган воқеа-ҳодисаларда кимлар иштирок этаётгани, улар қанақа кўриниш, қиёфа ва қандай феъл-атворга эга эканлиги, аввало, уларнинг портрети орқали намоён бўлади.

Асардаги воқеаларнинг кундалик ҳаётдагидан кўра таъсирчанроқ, жозибалироқ бўлишининг асосий сабаби, аввало, қаламга олинаётган воқеаларнинг марказида турган қаҳрамонлар билан боғлиқдир.

Кишиларни шунчаки умумий тарзда эмас, балки муайян характер эгаси сифатида тасвирлаш бадий адабиётнинг энг муҳим хусусияти саналади. Адабиёт турли-туман характерларни гавдалантириш орқали инсоннинг ички дунёсини, унинг ижтимоий муҳит билан муносабатларини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тил ўз доирасидаги сўзларни ўрнида қўллаш, маъно кенгайтириш усуллари ўрганиш, ўзига хос бўлган хусусиятларини дунёнинг тилдаги кўриниши орқали акс эттиришда муҳим рол ўйнайди. Инсон қиёфаси ва характерини ифодалаш ҳар бир тилда кўрилганда, шу тил вакиллари дунёқараши, менталитетидан келиб чиққан ҳолда берилади. Шунингдек, тилнинг қанчалик кенг майдонга эгалитидан дарак беради.

Ўзбек ва турк тилларининг лексикографик манбалари материалларини чоғиштирма таҳлил қилиш зоонимни идрок этишда умумий ва ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Умумий бўлган нарса бу – зоонимнинг иккала тил тизимида мавжудлиги, шу жумладан ҳайвоннинг биологик хусусиятлари ва зооморфизм. Ҳар икки тилда ҳам одамни салбий ва ижобий томондан тавсифлаш учун зоометафоралардан фойдаланилади.

Мазкур тиллар таркибидаги зоонимларнинг “хулқ-атвори” таҳлили бизга қуйидагиларни айтишга имкон беради:



1) Кўриб чиқилган зоолексемалар ҳар иккала тилнинг матнларида фаол ишлатилади ва турли хил инсоний иллатларнинг тимсоли сифатида хизмат қилади;

2) Иккала тилнинг зоонимлари одамнинг феъл-атворини, ҳолатини, хатти-ҳаракатларини ва хулқ-атворини салбий ҳам ижобий баҳолаш учун ишлатилади, бу ҳайвонот дунёси вакили идрокининг ўзига хослиги билан изоҳланади, бунда худди шу ҳайвон ўхшаш белгилар билан тавсифланади.

Бу тилларда зоонимлар мақол ва маталларида ҳам кенг қўлланилади.



ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ ТУРЕЦКИХ И АНГЛИЙСКИХ ГЛАГОЛОВ ЗРИТЕЛЬНОГО ВОСПРИЯТИЯ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ

АМИРОВА НИГОРАХОН

докторант, ТГУВ

***Аннотация.** Данная статья посвящена обзору истории глаголов зрительного восприятия в турецком и английском языках.*

Турецкие глаголы зрительного восприятия рассматривались преимущественно в составе глаголов восприятия. Это позволило обнаружить ряд общих свойств, присущих всем перцептивным глаголам, в том числе глаголам зрительного восприятия, и соотнести глаголы зрительного восприятия с другими семантическими классами внутри этой системы. Усилия исследователей, в основном, были направлены на создание классификаций глаголов восприятия по обозначаемому ими типу восприятия либо по значению. В семантике этих глаголов исследователи интуитивно выделяют два аспекта: перцептивный и ментальный. Они в реальном анализе либо смешиваются и не разграничиваются, либо противопоставляются как совершенно автономные сущности и рассматриваются отдельно. Однако при всех различиях точек зрения следует отметить наличие общих моментов в классификациях этих глаголов как в перцептивном, так и ментальном значениях. В связи с этим остаются нерешенными вопросы первостепенной важности, в частности, вопросы списка глаголов, относимых к классу перцептивных, в том числе к глаголам зрительного восприятия, критериев их отграничения от других семантических классов глаголов, определение единого терминологического аппарата описания.

История изучения английских глаголов зрительного восприятия обширна и включает большое количество разнонаправленных исследований. Наиболее подробно они были рассмотрены в монографии Аке Виберга. Все последующие работы, посвященные этим глаголам и выполненные на материале различных языков, в той или иной степени основаны на тех положениях, которые сформулировал А. Виберг. Анализ работ позволяет увидеть следующие подходы к исследованию этих глаголов: сопоставительный, системно-структурный, лингвопрагматический. Как правило, в исследованиях, посвященных сопоставительному анализу английских глаголов зрительного восприятия и их соответствиям в других языках, английский выступает в качестве эталона, материал других языков рассматривается и оценивается на его фоне. При этом рассмотрению подвергаются структура изучаемых глаголов, семантический потенциал и функционирование в определенных типах текстов. Работы, посвященные системно-структурному анализу английских глаголов зрительного восприятия, направлены на определение системных связей, как с точки зрения формы, так и содержания, а также характера их сочетаемости. В более поздних работах указанные глаголы рассматриваются в рамках лингвопрагматического анализа, осуществленного на материале различных типов текстов.